

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ МУҲИМ ТАДБИРГА ШАЙ

Мамлакатимизда 4 декабрь куни ўтказиладиган муҳим сиёсий тадбир – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юқори даражада ташкил этиш мақсадида кенг қўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

□ Жараён



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти сайлов округи ҳудудида тузилган 878 та сайлов участкаси давлат рамзлари, ахборот-коммуникация технологиялари, зарур адабиёт ва қўлланмалар билан таъминланган. Тиббиёт, она ва бола ҳамда овоз бериш хоналари дори воситалари, тиббий жиҳозлар, юмшоқ ва қаттиқ ўйинчоқлар, сайлов қутиси ва бошқа зарурий воситалар билан жиҳозланди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг плакат ва дастурлари,

йўриқнома, низоми ва қонунлар жамламаси ҳудудларга етказилди. Янгийўл туманида етмиш тўқизта сайлов участкаси тузилган. Сайлов куни бу ерда 181 минг 140 нафардан зиёд фуқаро миллий қонунчилигимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланиши кутилмоқда. Уларнинг 2 минг 600 нафарга яқини Янгийўл технология иқтисодиёт касб-ҳунар коллежидаги 845-сайлов участкасида овоз беради. Саранжом-саримша сайлов участкасида сайловчилар учун зарур шарт-шароит ва қулайликлар яра-

тилган. Овоз бериш хонаси ёнида она ва бола ҳамда тиббиёт хоналари жойлашган. Сайловчиларнинг бинога кириши ва чиқиши учун алоҳида йўлаклар очилган. Ногиронлар, оғир беморлар ва сайлов участкасига кела олмайдиган фуқароларнинг уйларида овоз бериши таъминланади. Шундай тоифа фуқаролар ўз хонадонларида конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқаришлари учун сайлов куни қайси транспорт воситаси бу ишга жалб этилишига ҳозирдан аниқлик киритилди, кўча сайлов қути

тайёрланди, – дейди 845-сайлов участкаси комиссия раиси Маъмура Фозилова. – Шунингдек, бу ишга масъул комиссия аъзоларини белгилаб олдик. Сайловга саноқли кунлар қолгани боис, ишимиз авж паллага кирди. Айни кунда фуқароларга сайловга таклифномалар юборилмоқда. Ушбу сайлов участкасида овоз берадиган сайловчиларнинг 29 нафари биринчи марта сайловда иштирок этади. Янгийўл транспорт воситаси бу ишга жалб этилишига ҳозирдан аниқлик киритилди, кўча сайлов қути



– Ёш бўлганим учунми, муҳим сиёсий тадбир – Президент сайловида иштирок этиш ҳаяжонли, – дейди Рустам. – Шундай бўлса-да, бу кунни сабр-сизлик билан кутаяпман. Ҳозир номзодларнинг таржимаи ҳоли билан яна бир бор танишиб, уларнинг Сайловолди дастурини қайта-қайта кўриб чиққоқдаман. Сайлов куни бир тўхтама келиб, албатта, давлат раҳбари бўлишга ҳар томонлама муносиб номзодга овоз бераман. Мазкур сайлов участкаси ҳудудида "Сайловчилар рўйхатида бормисиз?", "Мен шахсан ўзим овоз бераман", "Менинг овозим – Ватан келажига дахлдор" каби мавзуларда давра суҳбати ва учрашувлар ташкил этилаётгани Рустам каби ёш сайловчиларнинг бу борадаги билимини янада оширишга хизмат қилаётди. Маълумки, қонунчилигимизда тегишли сабабларга кўра, сайлов куни доимий яшаш жойида бўлмайдиган фуқаролар муддатидан олдин овоз бериш ҳу-

Қолмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган суратлар.

□ Мардлар кўриқлайди, Ватанни!

Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровон турмуши ва осуда ҳаётини ҳимоя қилишни муқаддас бурч деб билган садоқатли посбонлар хизмат қилмоқда.

ЮКСАК ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

Таъкидлаш кераки, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнаомлигида ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тубдан ислоҳ қилинди. Ҳарбий тизим, айниқса, ходимлар фаолияти ва ижтимоий турмуш тарзига эътибор кучайди. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича қабул қилинган Давлат дастури доирасида замонавий уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш ишлари изчил олиб боришмоқда. Жумладан, ўтган йили Ангрен шаҳридаги "Нуробод" кўрғонига ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун 72 хонадондан иборат кўп қаватли бино тўлиқ қайта таъмирланиб, ўз эгаларига топширилган эди. Қўни кеча шаҳар ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари учун 8 хонадондан иборат яна бир уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги уй ҳарбийлар ва улар оила аъзоларининг эҳтиёжлари эътиборга олинган ҳолда қурилган бўлиб, барча қулайлик ва шарт-ша-

роитларга эга. Бундан ташқари, ҳудудда замон талабларига мос равишда бунёд этилган болалар ўйингоҳи кичкинтойларнинг сеvimли масканларидан бирига айланган. Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, "Жигаристон" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирок этди. – Бундай эътибор ва ғамхўрлик биз – ҳарбий хизматчиларни янада руҳлантириб юборди, – дейди янги уй соҳибби Муҳаммаддод Шокиров. – Қачонки, оилангиз хотиржам бўлса, қилаётган ишларингиз, албатта, самарасини беради. Биз, ҳарбийлар учун эса бу жуда муҳим. Бундай эътибор бизни Ватаннинг тинчлиги, халқимиз осойишталиги йўлида доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди. Тадбир сўнггида ижро этилган куй ва қўшиқлар, айниқса, "Ёшлар" маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги "Ҳаёт" болалар рақс дастасининг чиқишлари барчага манзур бўлди.

Гулушода
НАСИБАЛИЕВА.

2017 йил учун

«Тошкент ҳақиқати»

газетасига обуна

бўлишни унутманг!

□ Ғамхўрлик

Оҳангарон туманидаги "Саховат" уйида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар" дастури асосида семинар ташкил этилди.

ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси, вилоят "Нуроний" жамғармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ЁИХ, касаба уюшмалари кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбир ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни сайлов жараёнидан хабардор қилишга бағишланди. Унда "Сайловчиларнинг ҳуқу-

қий маданиятини юксалтириш – долзарб вазифа", "Сайлов жараёнида кексаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳақида", "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида"ги Қонун, унга сўнгги йилларда киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг моҳияти ва аҳамияти", "Сайлов – мамлакатимиз раvнақи йўлидаги муҳим омил" каби мавзулардаги қизиқарли маърузалар тингланди.

Ўз мухбиримиз.



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

БОШ ҚОМУСИМИЗГА ЭЪТИРОМ

Қуйи Чирчиқ туманида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишлаб "Конституция – бахтимиз қомуси" мавзусида маърифий тадбир бўлиб ўтди.

□ Тадбир

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ташкил этган анжуманда ҳудуддаги мактабларнинг ўқитувчи ва юқори синф ўқувчилари, жамоат ташкилотла-

ри вакиллари ҳамда оналар иштирок этди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакатимиз тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ривож-

ланиши, маданий-маънавий, сиёсий-ҳуқуқий ҳаётиимизни мустаҳкамлашдаги бекиёс ўрни ҳақида сўз борди. Таъкидланганидек, Бош Қомусимизда инсон шайни ва унинг ҳуқуқлари ўс-тулганининг белгилари кўйилган, барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, яратилаётган қулайлик ва имкониятлар, аввало, халқимиз ман-

фаатларига қаратилган. Барча таълим муассасаларида "Конституция – бахтимиз қомуси" лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган бундай тадбирлар ёшлар тарбияси ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Юлдузхон
МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

□ Маънавият

"Тоғанинг тўйларга буюрсин", "Бошинг тўйдан чиқмасин", "Тўйларга етказсин" каби тиллар кўпроқ бизнинг миллатга хос. Буларнинг замирида "Ҳамиша яхши кунлар ҳамроҳ бўлсин", деган хайрли ният муҳассас. Аммо, бугун замонасоз тўй қилиш машаққатини кўриб, "Бошинг тўйдан чиқмасин" дейишга истиҳола қилсан, киши. Айниқса, никоҳ тўйларининг юки айрим оилалар учун туганмас ташвишга айланаётгани бор гап. Аксар ота-оналар "қўпнинг қаторидан қолмаслик" ҳамда ўғил-қизларининг ҳою-хавасларини ижобат қилиш учун не қўйларга тушаётганларини кўриб, билиб турибмиз.

ТҲЙЛАРНИНГ ОҒРИҚЛИ ҲЙЛАРИ

...Кўчаларни тўлдириб ўтаётган ўнлаб ҳашаматли машиналарда келин-куёв "сайр"га чиқади. Авваллари боғу хибонларда кечган "сайр" ҳозир қимматбаҳо меҳмонхоналарда суратга тушиш билан якунига етаяпти. Келин-чакнинг эғиди фалон пулга ижарага олинган либос. Бундай кийимларнинг нархи осмондалигидан ташқари, гигиена талабларига қанчалар тўғри келиш масаласи ҳам ўйлантиради одамни. Ахир, бир неча кишидан қолган либосни кийишдан касаллик юқмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Келин-чакнинг пўрим суратига хос ва мос кийим илчиди дугоналар ҳам ижарага қўйлақ қидиради ёки янги оқшом либосини харид қилиш оғирлиги яна ота-она зиммасига ортиқча юк. Бу ҳам етмагандай, ҳамма тўйлар-

га битта оқшом либосини кийишни истамайдиганлар ҳам оз эмас... Энди тўйхонадаги дабдабани кўринг. Дастурхонда, лофи билан айтганда, анқонинг уруги етишмайди, холос. Бундай тўжиниққа, аввало, шукр қиламиз. Аммо, гапнинг рости, ҳозир айрим ноз-неъматларнинг ижара тизими жорий этилгани биринчидан, дастурхон тўлдириш осон эмаслигини англатса, иккинчидан, кўзбўямачилик авж олишига сабаб бўлаяпти. Мазкур масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Эътибор берсангиз, аксар тўйлардаги чақ-чуқлар ва чет элдан келтирилган қимматбаҳо егуликларга қўл ургингиз келмайди. Бойси, ўша неъматларнинг тўйдан-тўйга ўтавериб, назарланиб кетгани билан боғлиқ, бизнингча.

Давоми 4-бетда. ■■

ХАБАР

"Тошкент" сейсмик станциясининг маълумотига кўра, 2016 йил 25 ноябрь куни Тошкент вақти билан соат 19 дан 19 дақиқа ва 19 дан 25 дақиқа ўтганда икки марта ер силкинди. Зилзала маркази Тошкент шаҳридан 410 километр узоқликда, шарқий йўналишда, Хитой ҳудудида қайд этилди. Ернинг силкиниш кучи Тошкентда 3, Наманганда 3-4, Андижонда 3-4, Фарғонада 4 баллли ташкил этди.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида сейсмик фаоллик кузатилмади. Вайронгарчилик ва шикастанганлар ҳақида маълумот йўқ.

Ў.А.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

4 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

САЙЛОВЛДИ ТАРҒИБОТИ ҚИЗҒИН БОСҚИЧДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни тобора яқинлашмоқда. Халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин равишда яна бир бор намоён этадиган ушбу кунга жойларда тайёргарлик жараёнлари қизғин кечаяпти. Шу кунларда Президентлиikka номзодларнинг сайловолди тарғибот кампанияси ҳам айни ҳал қилувчи босқичга кирган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг Тошкент вилоятидаги ишончли вакили Шухрат Насимовнинг Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

Ишончли вакил сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништириб, Сайловолди дастуридаги устувор йўналишларга атрофли тўхталмоқда.

Хусусан, номзоднинг дастурида илгари сурилган маънавий-маърифий, сиёсий, суд-ҳуқуқ, иқтисодий, ижтимоий, ахборот, спорт ва ташқи сиёсат йўналишларидаги тақлифлар халқимизда миллий ўзликни англаш, миллий гуруҳ туйғуларини мустахкамлаш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши айтилмоқда.

Шунингдек, дастурда иқтисодиётни янада ривожлантириш йўналишида ҳам кўплаб вазифалар белгиланган. Жумладан, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, маҳаллий саноат самарадорлигини янада оширишнинг ҳуқуқий асосларини изчил такомиллаштириш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш орқали миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлардан муҳофаза қилиш, замонавий билим ва малакага эга муҳандис-техник, молия-иқтисод, корпоратив бошқарув менежерлари, ахборот технологиялари соҳасида дастурчилар тайёрлашни тубдан яхшилаш каби вазифалар илгари сурилган.

Ишончли вакил томонидан дастурда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва илгари суриш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, юксак маънавий-интеллектуал тараққиётга эришиш учун мамлакатни модернизация қилиш, хусусан, миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини ривожлантиришга алоҳида эътибор

қаратилганлиги ҳақида ҳам сайловчилар хабардор қилинди. Учрашув қатнашчилари номзоднинг дастури ва унда белгиланган вазифалар хусусида фикр билдиришди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг Сайловолди дастури билан танишиб, унда тарбияда миллий руҳ, қадриятларга алоҳида эътибор бериш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланганига гувоҳ бўлдим. Шунингдек, аёлларнинг етакчилик қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашувчи сиёсий мактаб тармоғини яратиш, давлат бошқарувида ёшларнинг иштирокини кучайтириш фикри, айниқса, эътиборга молик, – дейди Бекобод туманидаги 45-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Саидкул Болтабоев.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг вилоятимиздаги ишончли вакили Маҳмуд Тоирнинг вилоят сайловчилари билан учрашувлари давом этмоқда.

Тадбирларда ишончли вакил номзоднинг таржимаи ҳоли ва Сайловолди дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари билан сайловчиларни таништирилмоқда.

Таъкидланаётганидек, дастурда макроиктисодий барқарорлиқни янада мустахкамлаш ва кейинги йилларда эришилган иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий валютаимиз, ички бозордаги нарх-наво барқарорлигини кафолатлаш борасида қатор тизимли вазифалар белгиланган.

Шу билан бирга, ишончли вакил мамлакат иқтисодиётини индустриал ривожлантириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш, аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш, айниқса, фермерлик ҳаракатини тараққиёт топтириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини кафолатланган ва

арзон маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришга устувор даражада эътибор қаратилганини қайд этмоқда.

Шунингдек, дастурда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча гов ва тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд қўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш, умуман, аҳоли даромадлари ва ҳаёт сифатини муттасил ошириб боришга оид муҳим йўналишлар ҳам ўз ифодасини топган.

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Сайловолди дастури билан танишиб, унда ёшларнинг эркин билим олишлари учун яратилган имконият ва шарт-шароитларнинг кўламини кенгайтиришга қаратилган эътибор менга кўпроқ маъқул бўлди, – дейди Бекобод шаҳрида педагог Хайринисо Абдуғаниева.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмоновнинг ишончли вакили Меҳрожддин Дархановнинг вилоят сайловчилари билан учрашувлари ҳам қизғин бормоқда.

Унда ишончли вакил Президентликка номзоднинг Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар, унинг асосий жиҳатлари, ногиронлар, пенсионерлар, айниқса, аҳолининг ёрдамга муҳтож, кам таъминланган ва иш билан банд бўлмаган қатламни ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш бўйича белгиланган йўналишлар хусусида батафсил таништирилмоқда.

Жумладан, номзоднинг Сайловолди дастурида таълим соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш билан бирга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами эҳтиёжларини ўрганиш, ҳимоя қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, саноат,

ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга кўмаклашиш, коммунал хизматлар кўрсатишнинг самарали тизимини шакллантириш ва хизматлар нархларини мақбуллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда қурилиш технологияларини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш сингари бир қатор масалалар устувор вазифа қилиб белгиланган.

– Бугунги учрашувда бир қатор соҳа вакилларининг дастур юзасидан фикр-мулоҳазаларини тингладик. Шифокор сифатида шуни таъкидлаш керакки, дастурда аҳолининг барча ижтимоий қатламлари сифати тиббий хизматдан фойдаланишини таъминлаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида тиббий хизматлар тизимини кучайтириш бўйича амалга ошириш лозим бўлган ҳоллар менда катта қизиқиш уйғотди, – дейди Ўрта Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси шифокори Холида Райимқуллова. – Шунингдек, дастурда маҳаллий фармацевтика корхоналарини қўллаб-қувватлаш, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини такомиллаштириш каби устувор вазифаларнинг мавжудлиги тиббиёт ходимлари эътиборидан четда қолмайди, деб ўйлайман.

Очик ва эркин мулоқот тарзида ташкил этилаётган учрашувларда сайловчилар дастурда белгиланган йўналишлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишмоқда.

Шу кунларда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакили Мавлуда Бердикулованинг сайлов қонунчилигига мувофиқ, сайловолди ташвиқоти доирасида вилоятимиз сайловчилари билан учрашувлари давом этмоқда.

Уларда ишончли вакил сайловчиларни Президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништириб, Сайловолди дас-

туридаги устувор йўналишларга атрофли тўхталмоқда.

Таъкидланаётганидек, дастурда ижтимоий ҳимоя ва унинг амалда қўлланилишига доимий эътибор қаратиш кўзда тутилган. Ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш, давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, энергия сарфини иқтисод қилишнинг рағбатлантиришга қаратилган замонавий технологияларни жорий этиш, "Яшил иқтисодиёт" ва унга мос технологияларга ўтишни давлат томонидан кенг рағбатлантириш каби ҳолатлар илгари сурилган.

Шунингдек, ҳодимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни мустахкамлаш, ижтимоий шерикликни қўллаб-қувватлаш, корхоналарда ҳодимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг қўламли ислохотларни босқичма-босқич давом эттириш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувларда партиянинг вилоят, шаҳар ва туманлардаги вакиллари, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчи-ёшлари ҳамда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари фаол иштирок этишмоқда.

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг дастуридаги устувор йўналишлар ва илгари сурилган мақсад-вазифаларни эътибор билан тингладик, – дейди Қўйи Чирчиқ туманилик меҳнат фахрийси Одил Шодмонкулов. – Айниқса, номзоднинг Сайловолди дастурида еттиштирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг сифатини яхшилашга, пахта ва галла экиладиган ерлар унумдорлигини оширишга, аграр секторни ривожлантиришга қаратилган тақлиф ва ташаббуслар бизда яхши таассурот қолдирди.

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

□ Семинар

Вилоят адлия бошқармасида "Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг кафолатлари" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси вилоят адлия бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этган мулоқотда Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят адлия бошқармаси ва прокуратураси масъул ходимлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг юриконсултълари, адвокатлар палатаси, амалиётда ҳуқуқни қўллашчи бошқа соҳалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу эса жамиятда суд ҳокимиятининг обрўси ошиб боришида ҳамда қонунийликни таъминлаш борасида унинг ролини янада мустахкамлашда муҳим аҳамият касб этапти.

Юртимизда амалга оширилаётган бу соҳадаги ислохотлар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, касбий нуфузини ошириш, юқори малакали ва самарали фао-

лият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида илк бор судьяларнинг ваколат муддатлари қайта кўриб чиқилмоқда.

Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибиде қайта кўриб чиқиш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилмоқда. Шу билан бирга, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштирилиши назарда тутилмоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, қамқоқ тарзидаги жиноий жазонинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш имконияти кенгайтирилади. Жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилётгани, суд томонидан жиноят ишлари қўшимча терговга қайтариш институтининг бекор қилинаётганлиги инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтирилишига асос бўлади.

Тадбирда депутатлар, юқори малакали соҳа мутахассислари, экспертлар ва кенг жамоатчилик вакилларининг мавзу юзасидан тақлиф ва мулоҳазалари тингланди.

Авазбек ҲУДОЙҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СОҒЛОМ ОНАДАН СОҒЛОМ БОЛА ДУНЁГА КЕЛАДИ

Қибрай туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиника жамоаси томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

□ Саломатлик

Тиббий муассасага бириктирилган аҳоли, хусусан, оналар ва болалар мунтазам равишда чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилаётди. Касалликлар аниқланган ҳолларда уларни даволаш бўйича тезкор чоралар кўрилмақда. Ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш, маслаҳатлар бериш бўйича оила шифокори, патронаж ҳамшира ва бошқа тиббий мутахассислар ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Кўп тармоқли поликлиникада ҳудуддаги ёшларни никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтказиш, санитария-гигиена соҳасидаги ишларни кучайти-

риш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида "Еш ота-оналарга", "Камқонлик ҳақида нима-ларни биласиз?", "Соғлом она ва бола – юрт келажиги" каби мавзуларда давра суҳбатлари уюштирилмоқда.

– "Соғлом она – соғлом бола" концепциясига асосан фертил ёшидаги аёллар ва уларнинг саломатлиги ҳақидаги маълумотларнинг электрон базаси яратилган, – дейди туман кўп тармоқли марказий поликлиника шифокори Гулчехра Рустамова. – Бу база тиббий кўриқдан ўтказилган аёлларни соғломлаштириш, ҳомиладор-



лик ҳолатини баҳолаш ва тегишли муаммоларни ўз вақтида бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Поликлиниканинг тажрибали терапевт, лор, умумий амалиёт ва болалар шифокорлари ҳамда патронаж ҳамширалари ҳафтада икки кун жойларда бўлиб, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга, уларнинг

соҳага оид билим, тушунча ва маданиятини янада юксалтиришга хисса қўшмоқда. Чуқурлаштирилган кўриқдан ўтган ҳомиладорларга таркибда бола ҳаёти ва саломатлиги учун зарур микроэлементлар мавжуд поливитаминлар тавсия этилмоқда.

Ўз мухбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

□ Агар огоҳ сен...

Касбим тақозосига кўра, ёшлар билан доимий мулоқотда бўламан. Уларнинг ёруғ хаёллари, ўй-фикрлари, эзгу орзу-мақсадлари билан бирга яшайман. Кўпинча бир мурғак қалбнинг орзуларига рағбат, улғувор режаларига қанот улашгаётганимдан чексиз ифтихор туяман, танлаган касбимга эътиромим янада барқарор бўлади. Лекин, яқинда бўлган бир воқеа мени каттиқ мутаассир қилди ва шу аснода фикрларимни ардоқли газетамиз орқали сизлар билан баҳам кўришга жазм этдим.

Бир муддат аввал мактабимиздаги юқори синф ўқувчилари "Касб танлаш" мавзусида ишро этишди. Мана шундай пайтда оппоқ қорозга дилидагини ёзган боланинг кўнгил босотини билса бўлади. Бундан ташқари, унинг ўз олдида қандай мақсадларни қўй бошлагани таълим-тарбия борасида олиб борган ишларимиз нечоғлик самара бераётганини ҳам кўрсатади. Хуллас, ўқувчиларим ёзган ишларини бирма-бир кўздан кечира эканман, бир жиҳатни пайқаб қолдим. Ўғилми-қизми – қарийб барча ўқувчилар деярли ҳамма фикрларини "хоҳлайман", "истайман" сингари сўзлар билан тугаллашган. "Бу оддий сўз-ку, нима бўпти" дерсиз. Йўқ, шошманг, орада бошқа гаплар бор... Бугун телефонлар, интернет, турли шоулар, сеориаллар таъсирида болаларимизда галати бир руҳият, хоҳиш-истаклар устувор турувчи кайфият пайдо бўлаяпти. Яқинда бир китобда ўқиган эдим. Бугун давлатимиз, барча

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ – ИСТАКЛАР

зиёлилар қайта ва қайта огоҳ бўлишга чорлаётган "оммавий маданият" балонининг кўринишларидан бири баайин шу экан. Яъни, жамиятимизга "гедонизм" (қадимги юнон тилидан олинган бўлиб, hedone – "заъкланиш", "роҳатланиш" деган маънони билдиради) деган маънони билдиради) кирапти. Бу тушунчанинг моҳиятида инсоннинг бутун ҳаёт мазмунини роҳатланишдан иборат ва унга интилиш инсоннинг табиий эҳтиёжи, ҳаётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, деган маслак туради. Бир қарашда гоят чиройли ва яхшироқ, таг заминини олиб қарасангиз, одамни муқаррар равишда фикри саёзликка, маҳдудликка элтувчи бундай "роҳат"ни кимга кераги бор? Бинобарин, Фарбнинг аксарият фильмлари, медиа маҳсу-

лотларида ўйинлар, шоулар, шиширилган машур сиймолар (футболчилар, шоу-бизнес вакиллари, моделлар, актёрлар) орқали тарғиб қилинаётган дабдабали ҳаёт тарзи аслида ёшларимизни зиммасидаги буюк ишлардан, катта мақсадлардан чалғитади, холос. Бошқача айтганда, бугун дунёнинг турли бурчларида содир бўлаётган хунрезлик ва бошқа бало-қазоларни келтириб чиқарган омиллар чуқур ўрганилса, аминманки, шахснинг хоҳиш-истакларини беадоқ бир равишда қўллаб-қувватлаш, бу истақларни амалга оширишга ҳалал берадиган ҳар қандай куч ва ғояни инкор этишга йўл қўйиб берилганга, бошбошдоқлиги оломон жазавабини ҳаракатга келтиришда асосий омил бўлгани шубҳасиздир.

Унутмаслигимиз керакки, "гедонизм" таълимотида инсоннинг майл ва эҳтиёжлари жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрларга қарама-қарши қўйлади, ахлоқий қадриятлар туфайли инсонни баъзи салбий хатти-ҳаракатлардан чекловчи, унинг ўзига хос хусусиятларини намоён этишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай ижтимоий меъёрлар инкор этилади. Кўрапмизки, масаланинг моҳияти анча чуқур. Шундай экан, фарзандларимизга орзу-мақсадлар билан яшашни ўқитар эканмиз, дастлаб меҳнатни улуглашгани, хоҳиш-истаклар билангина яшаш камлик қилишини, аниқ режа асосида тартибли ҳаракат қилиш умр зийна-ти эканини афрофлига тушунириб беришимиз даркор, деб ўйлайман.

Ўз таърибимдан келиб

чиқиб айтадиган бўлсам, дастлабки ишро ёзилганидан кейин орадан муайян вақт ўтди. Бу вақтда мен уларга турли тадбир ва йиғинларда, сабоқларда меҳнат орқали эришилган натижа тотли бўлишини, беҳуда майллар инсонни, кенгроқ олганда, жамиятнинг хароб қилишини узоқ-яқин мамлакатлардаги воқеликлар асосида, аниқ мисоллар билан тушуниришга интилдим.

Кейин... Кейин яқинда улардан яна бир ишро олдим. Бу сафар бари бошқача эди. Менинг азиз ўқувчиларим, юртимиз эр-талари ўз кўллари билан ёзган жумаларини "ҳаракат қиламан", "интиламан", "ўқиб-изланаман" деган покиза, ҳаётини сўзлар билан яқунлаган эдилар...

Норинисо ХОЛИҚОВА,
Бекобод туманидаги
46-мактаб ўқитувчиси.

□ Кулайлик

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаментида "Суд департаментининг фаолияти, тизимда замонавий ахборот технологияларининг татбиқ қилиниши ҳамда келгусида амалга ошириладиган вазифалар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ИЖРО НАЗОРАТИ ЭЛЕКТРОН ДАСТУРДА

Тадбирда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кучайтириш, бу жараёнда судлар томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг ўз вақтида, сўзсиз ижро этилишини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири экани таъкидланди.

Йиғилишда кейинги йилларда суд ижрочили-рининг фаолиятида компьютер, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилгани, хусусан,

ҳужжатларнинг ижросини ўз вақтида таъминлашга қаратилган ўзаро электрон ахборот алмашиш ҳамда суд ижрочили-рини ишнинг назорат қилиш мақсадида "Е-ijro" электрон дастури яратилганлиги айтилди.

Тадбирда ушбу дастур асосида ижро иши йўналишидаги амалга ошириш таъминли, ундирувнинг муҳим жиҳатларини ҳамда соҳадаги бошқа янгиликлар ҳақида иштирокчиларга ахборот берилди.

Юлдуз ФАЗЛИЕВА.

ҲИЛОЛАНИНГ ОРЗУСИ УШАЛДИ

Ҳилола – мустақиллик тенгдоши. Ёш бўлса-да, мулкдорга айланди. Паркент туманида "Чанги-Ҳилола" фермер хўжалигини ташкил этиб, рўйхатдан ўтди.

Қишлоқ мулкдорлари

– Биз ҳақиқий маънода бахтли авлодимиз. Бахтимиз шундаки, мустақиллик биз ёшларга кенг имкониятлар эшигини очди. Яратилган бундай шароитлардан қиллона фойдаланиб, эл-юртга чин дилдан хизмат қилиш бурчимиздир, – дейди Ҳилола Шоодилов. – Катта бўлсам тadbиркор бўлишни, жамиятга фойдадан тегишини орозу қилардим. Ниятим амалга ошди – фермерлар сафига қўшилдим.

"Чанги-Ҳилола" фермер хўжалиги тасарруфида 6 гектар узузмор бўлиб, шундан 4 гектари ҳосилга кирган, 2 гектари шу йили яхши ният билан ток қўчатлари экилди.

Ҳилола отаси Шомансур Шоодиловдан, қолаверса, уста соҳибкорлардан фермерликнинг сир-асрорларини қўл билан ўрганганда, ўқиб, ўз устида ишлаб, малакасини оширмакда.

Дилфуза МИРОБИДОВА.

Семинар

Чиноз туманида вилоят шарқ яккакурашлари ва жанг санъати федерациясининг кўча семинари бўлиб ўтди.

МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ

Тадбирда шарқ яккакурашларини янада ривожлантириш, ёшлар ўртасида кенг оммалаштириш ва мураббийлар тайёрлаш масалалари муҳокама этилди.

Пойтахтдан ташриф буюрган "Ёш куч" ва "Фудзияна" спорт клубларининг тажрибали мураббийлари 140 спортчи учун маҳорат дарслари ўтказишди. Иштирокчиларга бу спорт турининг ўзига хос хусусият ва усуллари ҳақида маълумотлар берилди.

Тадбир доирасида туман марказий ўйингоҳида каратэ бўйича турнир ташкил этилди. Унда Янгийўл ва Бўқа туманлари спортчилари ҳам иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.

НОСОЗЛИК ХАРАЖАТНИ ОШИРАДИ

Ноябрь ойининг иккинчи ярмидан ҳаво ҳароратининг кескин тушиб кетиши жойларда қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қай даражада амалга оширилганини яққол намоён этмоқда. Мавсумолди тайёргарлик ишлари рисоладагидек олиб бориш жойларда қиш ўзига хос сокинлик ва ҳаловат билан кечса, бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган ҳолларда жиддий ноқулайликлар келиб чиқиши муқаррар. Зотан, "Қолган ишга қор ёғар", деган гап бежиз айтилмаган.

Мутахассис тавсия этади

Қиш мавсумига тайёргарлик қириш жараёнида иситиш тизимларидаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни вақтида бартараф этишнинг ўрни ва аҳамияти катта. Бу тизимларнинг мавсумда бенуқсон ишлашини таъминлаш баробарида, халқимиз бойлиги бўлган қимматбаҳо энергия ресурслари, хусусан, табиий

газни етарлича иқтисод қилиш имконини беради.

Гарчи қишги мавсум бошланган бўлсада, иситиш тизимлари, хусусан, бу жараёнда кенг фойдаланиладиган маҳсулус қозонлар созилиги тегишли таъминлашга доир айланган тавсия ва йўл-йўриқларни билиб

қўйиш фойдадан ҳоли бўлмади.

Қозонларнинг иситиш қисмларининг 25 фоизидан ортиги нобой ҳолга келганда уларни мукаммал таъмирлашга эҳтиёж туғилади. Қозонлар ва ёрдамчи асбоб-ускуналар мавсум олди-дан ваколатли ташкилот мутахассислари томонидан текширилиб, тегишли далолатнома тузили-

ши ва ҳулосалар олиниши керак.

Бунда, аввало, қозоннинг иситиш юзаси, ички қисмдаги қувурлар демонтаж қилиниши, зарур ҳолларда, барабанлар, коллекторлар қайта тикланиши зарур. Эскирган ички қувурлар ўрнига янгиларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, иситиш тизимларини жорий таъмирлашнинг ҳам аҳамияти катта. Бунда биринчи қалда қозон кучли сув босими остида синалиб, пишиқ бўлмаган жойлари аниқланади ва бартараф этилади. Қозон ювилиб, ички юзаси қўй-қум ва шлақлардан тозаланади. Ёндирғич (го-

релка) қурилмаси, арматуралари, изоляция қопламаси текширилади ва таъмирланади.

Иситиш қозонларининг техник соҳада ишлаши қиш мавсумида кўплаб муаммоларнинг олдини олиши билан бир қаторда ёқилғи-энергетика ресурсларининг беҳуда сарф бўлишига барҳам беради. Шу маънода, қозонларда жорий ва мукаммал таъмирлаш ишларини олиб боришда юқоридаги тавсияларга амал қилиш ҳар жихатдан фойдалидир.

Қ. НОРҚҲҲИЕВ,
"Ўздавнефтегаз-инспекция" вилоят худудий бўлими етакчи мутахассиси.

Реклама ва эълонлар

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 16 декабрь кунини соат 11.00 да бошлангич баҳоси ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган такрорий "Очқик аукцион" савдосига Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Қуйи Чирчиқ тумани, ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган: ЖИБ Янгийўл тумани судининг 19.03.2015 йилдаги 5-961-15-сонли ижро варақасига асосан, дивагатель рақами ХТА21074031757619, "BA3-21074" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси - 11 527 228 сўм; ЖИБ Қуйи Чирчиқ тумани судининг 19.08.2015 йилдаги 151-15-сонли ижро варақасига асосан, 1978 йилда и/ч., д/р. 10E902GA, "BA3-2101" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси - 1 718 010 сўм ҳамда 2009 йилда и/ч., д/р. 10K057AA, "ГБА-НЕКСИЯ-СПГ" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси - 28 930 770 сўм; ЖИБ Оқўрғон тумани судининг 23.12.2013 йилдаги 01-472-2013 ижро ҳужжати асосан, 1990 йилда и/ч., д/р. 10N686EA, "BA3-2108" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси - 5 849 542 сўм 17 тийин; ЖИБ

Янгийўл тумани судининг 19.03.2012 йилдаги 2883/5 ижро ҳужжати асосан, Қуйи Чирчиқ тумани, Кетмонтепа ҚФЙ, Чақмоқ қишлоғида сақланаётган, 2002 йилда и/ч., д/р. 10M995EA, "ГАЗ-3110" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси - 4 198 285 сўм 89 тийин.

Аукцион "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолари залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан туман СИБ вакили иштирокида танишиш мумкин. Аукцион савдоси қолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичига мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули" тўғрисидаги қилишувни имзолагандан сўнг мулк бошлангич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "AUTO TRADE

COOPERATION" МЧЖнинг АТБ "InfibANK" даги МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

ДИҚҚАТ, ТУЗАТИШ!

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 05.11.2016 йилдаги 90-сонидан берилган эълондаги савдо санаси "25.11.2016 йил" ўрнига "16.12.2016 йил соат 11.00 да бўлиб ўтади" деб ўқилсин. Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Е-mail: info@aukcion.uz. Тел.: (95) 193-74-96.

Гувоҳнома № 005148.

Тузатиш
"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2016 йил 16 ноябрь № 93 (12937)-сонидан "NEW ESTATE ACTION" МЧЖ томонидан чоп этилган эълондаги "Аукцион савдоси 2016 йил 5 декабрь соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади" сўзлари "Аукцион савдоси 2016 йил 9 декабрь соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади" деб ўқилсин.

"Respublika mulk markazi" АЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган очқик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўрта Чирчиқ тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан жиноят ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро судининг 2016 йил 14 июлдаги 281-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қорасув ҚФЙда сақланаётган, "ГБА СПГ Ба321061" русумли, давлат рақами 10L473KA бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошлангич баҳоси - 7 445 262 сўм.

Шунингдек, савдога Чирчиқ шаҳар суд ижрочилиги бўлими томонидан ЖИБ Чирчиқ шаҳар судининг 2016 йил 26 апрелдаги 1-114-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, ИИБ ЙХХБ жарима майдончаси худудидаги, "Auto segment bright" МЧЖда сақланаётган "Ба321013" русумли, давлат рақами 10B641LA бўлган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошлангич баҳоси - 2 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 26 декабрь кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охири

муддати: 2016 йил 23 декабрь соат 18.00 гача. Автотранспорт воситалари билан суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар савдо ташкилотчилиги билан тузилган закалат қилишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika mulk markazi" АЖ "Toshkent mintaqaviy filiali"нинг АЙКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р.: 20210000300571452142, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризалар қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй. Тел.: 233-49-31. 233-28-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 20 декабрь кунини соат 11.00 да мулкнинг бошлангич баҳоси босқичма-босқич оширилиши тартибидан ўтказиладиган "Очқик аукцион" савдосига ЖИБ Чилозор тумани судининг 29.01.2015 йилдаги 1-882/2015-сонли ижро варақасига асосан, Зангиота тумани СИБ томонидан хатланган, Зангиота тумани, Хонобод ҚФЙ, Номданан кўчаси, 1-уйда жойлашган, кафе-ошона биноси такроран қўйилмоқда, бошлангич баҳоси - 979 556 872 сўм. Савдога чиқарилган мулк билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси қолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичига мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузилладиган закалат қилишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчилигини АТБ "InfibANK" даги 20208000600250595001, МФО 01041, ИНН 302681189 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан - паспорт нусхаси; юридик шахслардан - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслари - сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143. e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz. Лицензия RR 0173.

"Respublika mulk markazi" АЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган очқик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Пискент тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан Фукаротлик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро судининг 2015 йил 9 апрелдаги 2351-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, АТ "Халқ банки" Пискент филиалида сақланаётган, "ДТ-28ХМ" русумли, давлат рақами 253471 бўлган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган филдиракли трактор қўйилмоқда, бошлангич баҳоси - 20 792 000 сўм.

Шунингдек, савдога Янгийўл тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан Фукаротлик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг 2016 йил 30 июндаги 1-2172/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, "Чирчиқ Оқибат Сервис" ХКга қарашли транспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойида сақланаётган, "ГБАСПГ Нексия" русумли, давлат рақами 10E167MA бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошлангич баҳоси - 20 865 709 сўм 28 тийин.

Аукцион савдоси 2016 йил 26 декабрь кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Аризалар қабул қилишнинг охириги муддати: 2016 йил 23 декабрь кунини соат 18.00 гача. Автотранспорт воситалари билан суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчилиги билан тузилган закалат қилишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika mulk markazi" АЖ "Toshkent mintaqaviy filiali"нинг АЙКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р.: 20210000300571452142, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризалар қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй. Тел.: 233-49-31. 233-28-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.

"Best realtor" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган очқик аукцион савдоларига таклиф этади!

1. Савдога Бўстонлик тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 09.03.2016 йилдаги 11-1605/1399-сонли ва 26.08.2016 йилдаги 11-1609/10419-сонли ижро ҳужжатларига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Искандар кўрғонида жойлашган, ишлаб чиқариш базаси, умумий майдони 5102,70 кв.м., умумий қурилиш участка майдони 1181,68 кв.м., 1 та ишлаб чиқариш цехи биноси, 1 та компрессор цехи биноси қўйилмоқда, бошлангич баҳоси - 504 260 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 29 декабрь соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охириги муддати: 2016 йил 27 декабрь соат 18.00 гача.

2. Шунингдек, савдога Янгийўл тумани СИБ томонидан, ФИБ Зангиота туманлараро судининг 28.01.2016 йилдаги 560-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Э. Ковунчи ҚФЙ, Мустақиллик кўчасида жойлашган, умумий ер майдони


800 кв.м. бўлган уй-жой такроран қўйилмоқда, бошлангич баҳоси - 195 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 15 декабрь кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охириги муддати: 2016 йил 13 декабрь соат 18.00 гача.

Савдоларга қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилиги вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АЙКБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800000433601001, МФО 01036. ИНН 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (+99895) 193-01-11. www.emulk.uz. bestrealtor@inbox.uz. Лицензия RA-0225.



ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 26 ноябрь кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шимоли-шарқдан секундига 5-10 метр тезликда эсётган шамол секундига 12-17 метр-гача қулайиши мумкин. Кечаси 7-9, кундузи 3-5 даража совуқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда қор ёғиб, туман тушиши мумкин. Шимоли-шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Шамол тезлиги айрим жойларда секундига 15-20 метр-гача қулайиши мумкин. Кечаси 7-12, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли худудларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда қор ёғиб, туман тушади. Қор қўчиши хавфи бор. Шимоли-шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Шамол тезлиги айрим жойларда секундига 15-20 метр-гача қулайиши мумкин. Кечаси 13-18, кундузи 3-8 даража совуқ бўлади.

Спорт

Чирчик Олимпия захиралари коллежида ёшлар ўртасида кикбоксинг бўйича Ўзбекистон Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

КИКБОКСИНГЧИЛАР
БЕЛЛАШУВИ

Ушбу тадбир Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон ҳаваскорлик ва профессионал кикбоксинг ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

Мусобақанинг очилиш маросимида таъкидланганидек, турнирни ўтказишдан мақсад – ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ўғил-қизларимизни спортга кенг жалб этиш, миллий терма жамоа таркибига номзодларни аниқлаш ва тайёрлаш ҳамда республикамизда спортнинг кикбоксинг турини оммалаштириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Халқаро кикбоксинг федерацияси (WAKO) қондаси ва Олимпия тизими бўйича ўтказилган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри терма жамоалари иштирок этди. Унда 900 нафардан ортиқ спортчи тегишли вазн тоифалари бўйича ўзаро кураш олиб борди.

Мурасасиз курашлар остида ўтган мусобақа голиб ва совриндорларига ташкилотчиларнинг махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ю. ФАЗЛИЕВА.

Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси қошидаги яккакураш турлари бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактабида "Гимнастика барча учун" шиори остида қизлар ва ўй бекалари ўртасида мусобақа ўтказилди.



Темур Мамадаминов (ЎЗА) олган сурат.

Ўй юришнинг ҳам гашти бўлак. Баъзан олис сафарга отланганда шундай ҳамроҳларга рубарў келасизки, манзилнингизга қандай етиб олганингизни ҳам, йўл азобини ҳам сезмай қоласиз. Сафардошингиз кўпни кўрган, баъзан одам бўлса-ку, омадингиз чопибди – ҳў ибратли гурунган бахраманд бўласиз.

Масалан, мана бу воқеани ҳам худди шундай сафар чоғи, "Ангрен – Поп" поездида бизга ҳамроҳлик қилган асли водийлик Аҳмадали Ваҳобов гапириб берди. – Вазирликда каттақон бир тузилмага раҳбар бўлган йилларим қўлимда Эшқувват деган йигит ишлаган, – дея ҳикоя қилади Аҳмадали ака. – Ўзи сурхондарёлик. Шу йигит денг, роппа-роса ҳар учинчи ҳафтанинг жума кунини пешиндан кейин жавоб оларди-да, душанба кунини ишга етиб келаман, деб қишлоғига кетарди.

Навбатдаги жума эди. Тарки одат, амри маҳол, дегандек, Эшқувват яна қишлоғига кетиш учун жавоб сўрагани олдимга кирди. Сал аввал вазир муҳим бир топширик бериб, кечгача ижроси бўйича ахборот берасиз, деб тикчилан қилганди. Вақт кам, иш эса битай демасди. Шундан хуноб

бўлиб ўтирувдим. Эшқувватнинг эшикдан тиржайиб, хотиржам кириб келгани, устига-устак: "Рухсат берсангиз, қишлоққа бориб келсам" дегани, табиийки, ёқмади.

Бор захримни сочдим. Бўлимга тегишли ишларни шу пайтгача сидқидилдан бажариб келаятган

Шанба сабоқлари

ЎФИЛБОЛА

ходимни салкам ноинсофга чиқардим. Ўйлардимки, инсофи бор одам шунча иш туриб, қишлоғига кетадими?

– Ликиллаб ойда икки марта қишлоғингизга қатнагунча ишингизни қилсангиз ўласанми? – деб ўшқирдим. – Қишлоғингиз Тўйтепада бўлса-да, майлийкан! Сурхонда-я, Сурхонда! Эшқувват танбеҳларимни индамай, ўша хотиржам аллозда қабул қилди. Унинг шу туришидан камиди: "Осмон қўлингизда бўлса ташаввор, барибир қишлоғимга кетаман!" деган берарво жавобни уқиб мумкин эди. Баттар ғазабим қўзиди.

– Амманми бузоғига ўхшаб бакраймасдан гапир бундоқ, пишириб қўйибдим, қишлоғингизда! Сурбетлик ҳам эви билан-да! "Сурбет" тилга кирол-

май каловланди:

– Аҳмадали Туропович, нима десам экан...

– Ҳўш, гапир, – негадир ҳалим тортидим.

– Баҳона қилишга тузук-рок сабаб тополмадингми, деб ўйламангиз, тўғриси айтман, – Эшқувват бир оз йиманиб гапирарди. – Қишлоқда саксон тўртга кирган қари экан бор. Қўзлари янши кўрмайди. Шу... нима десам экан, ҳар уч ҳафтада бориб, шу... оёқ-қўлларининг тирноқларини олиб келаман, шу...

Биласизми, ўшанда бу гап жуда эриш туюлган. Ҳатто, бу думбулнинг топган баҳонасидан энсам қотган.

– Қизиқ одам экансан-ку, – деганман. – Қишлоқда учта ака бор эди шеклилли? Хотинларининг қўли синганими? Шу ишни янгаларинг қилса бўлмайдими?

– Бўлади, – деди Эшқувват бамайлихотир. – Фақат янгаларини оғритиб қўярмикин, дейман-да...

Нима қилишимни билмай: "Бўпти, борақол" деганман истар-истамай. Бир томондан эса Эшқувватнинг ўғилболалигига қўйил қолганман.

Дарвоқе, шу бола ҳозир ўзимизда вазир ўринбосари...

Поезд йўловчиси: Мухаммад Аъло.

ГИМНАСТИКА БАРЧА УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Гимнастика федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Тошкент шаҳри ва вилоятдан 350 га яқин иштирокчи голиблик учун баҳс олиб борди.

Хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш оилаларда соғлом муҳит шаклланишига, қизларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда. Айниқса, спортнинг қизларга мос турларини ривожлантириш борасида

олиб борилаётган кенг қўламли ишлар самарасида спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сафи муттасил кенгайиб бораётир.

Мамлакатимизда қизларни спортга жалб этиш кўрсаткичи 2005 йилда 24 фоизни, жумладан, қишлоқ жойларда 22 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда қизларнинг 47 фоизи, қишлоқларда 44,7 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Қизларни спортга қизиқтириш, улар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида мураббиялар тайёрлаш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш масаласига алоҳида

этибор қаратилмоқда.

Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ўртасида бадий ва спорт гимнастикаси, аэробика, акробатика, трамполин, замонавий рақс ва фитнес машғулотларини ўзида бирлаштирган гимнастрада тобора оммалашмоқда. Ушбу спорт тури бўйича мусобақаларнинг мунтазам ташкил қилинаётгани бунда муҳим аҳамият касб этаётир.

Бу жиҳатлар "Гимнастика барча учун" аънавий мусобақасида ҳам ўз ифодасини топди. Мусобақа иштирокчилари орасида гимнастрада билан мунтазам шуғулланаётган спортчилар билан бирга мактаб ўқувчилари, ўй бекалари,

корхона ва ташкилотлар ходимлари ҳам борлиги мамлакатимизда спорт аҳолининг барча қатлами ўртасида кенг оммалашаётганидан далolat-дир.

Мусобақада жамоалар тайёрлаган композициялар ижро маҳорати, рақс ва гимнастика элементларини бажариш қobili-ляти бўйича баҳоланди.

Бекобод шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Ж. ТОШХУҲАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Бизнинг шарҳ

Ўзбекистон профессионал футбол лигасининг 2016 йилги мавсуми якунларига кўра, Тошкентнинг "Локомотив" жамоаси 74 очко тўплаган ҳолда ўз тарихида биринчи марта чемпионат голибига айланди. Чемпионатнинг кумуш медаллари "Бунёдкор"га насиб этди. "Қалдирғоч"лар тўплаган очко Қаршининг "Насаф" клуби билан бир хил бўлса-да, ўзаро ўйинлардаги устунлик эвазига жадвалнинг иккинчи поғонасидан жой олдилар. "Насаф" учинчи, "Бухоро" эса тўртин-

чи ўринни қўлга киритди. Аввалги мавсум чемпиони – "Пахтакор" 5-ўрин билан қиёяланди. Олий лига тўпурарлари баҳсида "Локомотив" ҳужумчиси Темурхўжа Абдуҳалиқов 22 голга муаллифлик қилган ҳолда барча рақибларини ортда қолдирди. Шундай қилиб, ўзбек футболдаги "Пахтакор" ва "Бунёдкор"нинг мутлақ ҳокимлик даври тугаганга ўхшайди...

Ҳўш, жорий чемпионат қандай кечди, унда вилоятимиз вакилларининг иштироки қониқарли бўлди-ми?

ОЛИЙ ЛИГАДА ҚОЛДИ. НАЗАРДАН-ЧИ?

Бекободнинг "Металлург" жамоаси сўнгги турда ўз майдонида Ўзбекистоннинг беш карра чемпиони – Фарғонанинг "Нефтчи" жамоасига қарши ўйин ўтказди. Учрашув тезкор ва қарама-қарши ҳужумлар остида бошланди. Ҳар иккала жамоа аъзолари дастлабки дақиқаларда кўпроқ олимдан бериладиган зарбаларга эътибор қаратди. Аммо, уларга аниқлик етишмади. Фақат 19-дақиқага келганда мезбонларга омад қилиб боқди. Муроджон Тошматов ошириб берган тўпни Дилмурод Каримов кучли зарбаси билан меҳмонлар дарвозасига жойлаб қўйди – 1:0. Мазкур ҳисоб учрашув якунигача ўзгармади.

Шу тариқа жамоа жорий мавсумини еттинчи поғонада якунлади. Албатта, олий лигада иштирок этаётган бошқа жамоалар билан солиштирганда, айни натижа ҳам ёмон эмас. Бироқ, салмоқлаб кўрилса, жамоада бир неча йиллардан бери жадвалнинг қуйи поғоналарида юриш, ўртамеъналикдан нарига ўтолмаслик "синдроми" пайдо бўлганга ўхшайди. Дeyлик, жамоанинг кейинги йилларда "эришган" натижаларига қарайдиган бўлсак, 2015 йил – 10, 2014 йил – 7, 2013 йил – 6, 2012 йил – 10, 2011 йил – 8, 2010 йил – 6, 2009 йил – 12, 2008 йил – 6, 2007 йил – 15-ўринни эгаллаганини кўришимиз мумкин. Бу шундан дарак берадики, жамоа ўз олди-га жиддий мақсадларни қўя олмапти. Жуда бўлма-да, кучли уқлиқча кириш имконияти бор бўлган ҳолда, негадир муттасил равишда "олтин ўрталик"ни аъло кўраётганга ўхшайди...

"Металлург"чилар эришган ютуқлар ҳам бор, албатта. Лекин, бу аёллар футболга билан боғлиқ. Аёллар ўртасида ўтказилган жорий чемпионатда "Металлург-ву-



«Metallurg-woomen» жамоаси муҳим ғалабадан кейин...

мен" жамоаси қаторасига тўртинчи мавсумни совриндорлар сафида якунлади. Қувонарлиси, биринчи мавсум шохсупанинг учинчи поғонасидан жой эгаллаган қизлар кейинги учта мавсумдан буён мамлакатимизнинг вице-чемпиони мақомига эга чиқишмоқда. Тажрибали мураббий Шерали Бобокўлов шогирдлари сўнгги тур арафасида вице-чемпионликка эришиш борасида ҳам тўсиққа дуч келган эдилар. Аммо, "Андижанка"га қарши ўтган беллашувда керакли натижа – дурган (0:0) қайд этилди. Шу тариқа "Металлург-вумен" иккинчи поғонани сақлаб қолди. Бронза медали тажрибали, номдор жамоалардан бири – "Андижанка"га насиб этди.

Ўз вақтида, футболимизга бошқача "об-ҳаво" олиб кирган, номдор рақибларни ҳам таслим этиб, доврўқ қозонган олмалиқликлар эса жорий мавсумда ишқибозларнинг ҳафсаласини пир қилди, десак янглишмаймиз.

Биринчи даврада 21 очко тўплаб, мусобақада саккизинчи ўринни банд этиб турган жамоа мавсумнинг иккинчи қисмида кетма-кет мағлубиятга учрай бошлади. 16-турда ўз майдонида "Бухоро" билан ўтган баҳсда пенальтидан урилган ягона гол билан рақибга уч очко тўхфа этган олмалиқликлар 17-турда "Насаф" меҳмони бўлди. Бу гал ҳам битта тўп фар-

қи билан имконият бой берилди – 1:2. 18-тур баҳсида ҳам жамоа тақдирини ягона гол ҳал қилди – бу сафар Навоийнинг "Қизилқум" жамоаси вакилларимизни мағлубиятга учратди. Кетма-кет мағлубиятлар гирдобига тушиб қолган жамоа руҳий аҳолини ўнглаб ологани йўқ ва жорий чемпионатни 13-ўринда якунлади. Тўғри, сўнгги турларда улар нисбатан ишончли ўйин кўрсатиб, "жон" сақлаб қолишни урдадашди. Бироқ, йиллар давомида, қийинчилик билан эришилган обрў, жамоанинг нуфузи, голиблик руҳиятига шикаст етганини кўриб, қузатиб турибмиз.

2008 йилдан бошлаб Олий лигада ўйнай бошлаган "Олмалик" футбол клуби дастлабки мавсумда 33 очко билан чемпионатни 10-ўринда якунлаган, мухлисус мутахассисларда келажакка умид уйғотган эди. Кейинги йили жамоа 48 очко тўплади ва чемпионатни тўртинчи ўринда якунлади. Шундан кейин эса жамоа бир маромадан ўйна кўрсата олмади, 2009 йилги натижа тақорорлангани йўқ (жамоа 2010 йил – 10, 2011 йил – 10, 2012 йил – 8, 2013 йил 5, 2014 йил – 6, 2015 йил – 6-ўринни эгаллаган).

Клубда аёллар футбол билан боғлиқ ишлар ҳам кўнгулдагидек эмас. Чуноткин, ўтган йилги чемпионатни 11-ўринда якунлаган (жами 12 та жамоа орасида) "Олмалик-вумен" жорий чемпионатда

6-ўрин билан қиёяланди. Ҳолбуки, ҳудудда аёллар спортини билан боғлиқ бир қатор чоратадбирлар, режа ва дастурлар амалга ошириляпти.

Умуман олганда, "Олмалик" футбол клубида ички тартиб-интизом жойида, футболчилар билан боғлиқ жиддий муаммо ёки можаро йўқ. У ҳолда қандай омиллар эвазига жамоа тобора куйига "шўнғиб" бормоқда? Баъзи жамоалар футболчилардан қарздор эканини, чуқур молиявий муаммолар гирдобига тушиб қолганини очик-шикора айтишади. Вилоятимиз жамоаларида иқтисодий таназзул кузатилмаган. Ҳомийлар ҳар қандай шароитда ҳам футболчилар-у мураббийларга шартномада кўрсатилган пулларни тўлаб келишмоқда. Шундай экан, вакилларимиздан натижа қуттишга ҳақимиз. Лекин, қачон бўлади ўша натижа?

Қувонарли жиҳати, Бекободда ҳам, Олмалиқда ҳам болалар, ўсмирлар, ёшлар ва аёллар футболни борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Клубларимиз қошида футбол мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Эндиги умид бугун акалари "эришган" натижаларни ҳўрсиниб кузатиб турган, юрагида иштиёқ ва ғалабаларга ташналик ҳисси барқ ураётган ўша болақайлардан. Дарвоза-дан ортида туриб, ҳар сафар ўз жамоасига урилган навбатдаги голдан кейин, аламонқ нигоҳини яшил майдонга қаратиб турган ўсмирлардан...

Мухтасар хулоса шуки, аҳвол шу тарзда давом этар экан, вилоятимиз жамоаларидан чемпионлар, вице-чемпионлар қикиши учун янги авлод вакилларига жиддий эътибор қаратишдан бошқа чора йўққа ўхшайди...

Беҳзод ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

ТҮЙЛАРНИНГ ОҒРИҚЛИ ҲҲЛАРИ

Тўйларимиздаги оғриқли масалалардан яна бири – санъаткорлар "карвони"нинг тўхтамаслиги. Битта тўйга ўнлаб донгдор қўшиқчиларни жалб этишдан муддао нима? Яна ўша ҳавойи шон-шухратга ўчликми? Ахир, ҳозир номи икки-уч тингловчи тилига тушган ижрочининг бирорлиқ хизмат ҳақи оддий ходимнинг икки-уч ойлик маошидан банд. Қолаверса, тўйдаги қўшиқчилар "пойгаси" санъатимизни саёзлаштираяпти. Уста-уст келганлар даврани ўлдирмаган, ҳаммани ўйнатаман деб турбача, эронча, арабча, озарбайжонча, ғарбча оҳангларга ўзбекча сўз қўйиб айтиши натижасида миллий мусиқий меросимизга путур етаяпти. Бундай тўйлар нафақат онгимизни, балки, санъатимизни ҳам бузаяпти. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азим Муллахонов бир даврада қуюниб гапириб берди. Яқин танишининг тўйи туғаш арафасида келин: "Уйга "Кабриолет" авто-

Бошланғич 1-бетда.

мобилида кетаман", деб туриб олибди. Бу талаб қўвнинг отасига оғир ботиб, инфаркт бўлиб, бир неча кундан кейин оламдан ўтибди. Тўй азага айланибди.

Афсуски, биз бугуннинг оғриғи деб қараётган тўйлардаги чираниш, тираниш муаммолари икки аср нариш ҳам миллитимиз тараққиётига тушов бўлган экан. Маърифатпарвар Махмудхўжа Беҳбудий бобомиз 1915 йилда "Ойна" журналида чоп этилган "Бизни кемиргувчи иллатлар" мақоласида шундай фикр чекди: "Бизни кемиргувчи иллатлар" деган одатларимиз, шу тўй ва таъзия исминдаги девоналигимиздан иборатдур... Инсонни бу қадар аҳмоқлиги ажибдур. Бизга лозимки, тўй ва таъзияларни кичик қилиб ва ҳолимизча ҳаракатда бўлиб, келар замонамизни ўйлайлик. Валлоҳ, хору зору мунқариз бўлмоқ эртага офтобни қикишдек муқаррардур". Қарзга ботиб, тўй қилиб, кейин йиллаб

жафо чекиб, қарз узишни яна қандай таърифлаш мумкин? Боз устига, асрлар ошиб келаятган тўйдан кейин ҳам тоғора ташиш каби ҳеч кимга наф келтирмайдиган қўлаб маросимлар борки, булар сабабли уч-тўрт ўғил-қиз ўстириб, уйли-жойли қилидиган ота-онанинг, оиланинг аҳолининг кўз олдингизга келтириверинг. Бу ҳақда маърифатпарвар шоир Абдулҳамид Мажидий бобомиз ҳам алам, ҳам киноя билан ёзади:

Тўй ўтди, юзларимда
энди қон йўқ,
Қишимга тахлиф
турган чопон йўқ,
Бир ариқ эчки бор
унга сомон йўқ,
Товуқларда туҳум
туғмоққа жон йўқ...

Телеминиатюралар театрининг машҳур ҳажвий фильми ёдингизда бўлса керак. Совчиликка келган Эргаш Каримовнинг ўшандаги ҳолатини тўй қилаётганлар яхши ҳис этади. Томошани қулиб-қулиб кўрамузу, лекин тўй-ҳашамни яна қулиб-

қулиб ўтказаверамиз. Хуллас, миллитимизда қамолга қўсиқ бўлаётган кўр-кўрона дабдабали тўйларни тартибга солиш вақти аллақачон етган.

Муҳтарам Биринчи Президентимизнинг 1998 йилдаги тўй ва бошқа маросимлар билан боғлиқ Фармониди ҳам ортқича исрофгарчилик билан ўтказиладиган бундай тадбирларнинг моддий ва маънавий зарари, ёш авлод онгу тафаккурига салбий таъсири алоҳида таъкидланган. Зеро, бориини тўкиб-сочиб тўй қилмоқ саховатпешалик эмас, балки беҳаёликдир. Ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорлик тарғиб ва ташвиқ этилади. Жумладан: "Аллоҳнинг ноз-неъматларидан хоҳлаганча еб-ичинглар, хайр-эхсон қилинглар, қийин-иб-ясаинглар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўймайинглар", дея уқтирилган.

Шоира БОЗОРОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Манзилы: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@umail.uz	Маълумот: Кабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08. Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59. Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.	Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририйта компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Назоратчи мусахҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАХМУДУХҲАЕВ
---	---	---	---	---	--